

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

М. АБДУСАЛОМОВ

**ХАЛҚАРО
САЙЛОВ СТАНДАРТЛАРИ
ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ
ҚОНУНЧИЛИГИ**



ТОШКЕНТ – «O'ZBEKISTON» – 2015

УЎК: 342.573
КБК 67.400.5(5Ў)
Ў-32

Тахрир хайъати:

*Абдусаломов М.Э., Ортиқова С.Б.,
Абдувахитов А.А., Нурматов Н.Н.*

Мазкур рисолада «халқаро сайлов стандартлари» тушунчаси, моҳияти, турлари ва манбалари, уларнинг миллий сайлов қонунчилигига имплементация қилиниши каби масалалар ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови муносабати билан тайёрланган ушбу рисола сайлов ҳуқуқини ўрганаётган мутахассислар, жумладан, олимлар, ўқитувчилар, талабалар ва магистрантлар ҳамда сайлов қонунчилиги масалалари билан қизиққан китобхонларга мўлжалланган.

КИРИШ

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда умум-эътироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ ўтказилаётган сайловларнинг ўрни бекиёс.

Чунончи, сайловлар кучли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиширодасининг эркин ифодаланиши, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этишининг асосий шакли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2014 йил 21 декабрда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов натижалари тўғрисида тўхталиб, шундай таъкидлайди: «Бўлиб ўтган сайловларни кузатишда иштирок этган 70 мингдан ортиқ маҳаллий ва 340 дан зиёд чет эллик кузатувчилар, нуфузли халқаро ташкилотлар вакилларининг аксарият кўпчилигининг фикрича, бу сайловлар очиқлик ва ошкоралик шароитида, халқаро ҳуқуқ нормалари ва стандартларига тўла мувофиқ равишда ўтди.

Мазкур сайловлар, авваламбор, жамоатчилигимиз, халқимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, сиёсий партиялар, фуқаролик институтларининг обрў-эътибори ва нуфузи, етуклик даражаси сезиларли равишда ошганини кўрсатди.

Шу билан бирга, ўтказилган сайловлар мамлакатимизда демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳаётимизга жо-

рий этилаётган демократик ўзгариш ва ислохотларнинг амалий натижаларини намоёниш этди.

Буларнинг барчасини сайловларга тайёргарлик қўриш ва ўтказиш жараёнининг ўзи, уларнинг якунлари ҳам яққол тасдиқлаб турибди. Бўлиб ўтган сайловларда 18 миллион 500 мингга яқин фуқаро ёки сайловчиларнинг 88,9 фоизи иштирок этди.

Шуниси диққатга сазоворки, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг сайловолди кураши кескин ўтган 135 та сайлов округининг 22 тасида биринчи босқичда номзодлар етарлича овоз ололмади ва бу округларда такрорий овоз беришни ўтказишга тўғри келди. Бу эса сайловларнинг демократик асосда ўтказилганидан далолат беради»¹.

Дарҳақиқат, сайловлар демократик кадриятдир. Шу боис, ҳар бир демократик давлат халқ ҳокимиятчилигини ушбу кадриятга асосланиб ўрнатади. Президентимиз таъбири билан айтганда, «сайловлар – бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлиқ демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир»².

Маълумки, демократик давлатларда сайлов институтининг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, сайлов орқали давлат ҳокимиятининг олий органлари ва маҳаллий вакиллик органлари шакллантирилади. Бунда давлат тизимига кирувчи ҳар қандай орган эмас, балки унинг олий ҳокимият органлари ва маҳаллий вакиллик ор-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 24 январь.

² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.:«Ўзбекистон», 2010. 35-бет.

ганлари, яъни бевосита халқ вакиллари орасидан сайлаш ёки тайинлаш йўли билан шакллантириладиган органлар назарда тутилади;

иккинчидан, сайлов ҳокимиятни шакллантириш учун курашадиган сиёсий кучларнинг қонуний йўл билан шаклланишига ва соғлом рақобат муҳитининг вужудга келишига хизмат қилади;

учинчидан, сайлов жараёнининг жорий қилиниши фуқаролар сиёсий фаоллигининг ошиши, ҳуқуқий онги ва сиёсий маданиятининг янада юксалишига хизмат қилади.

Бинобарин, истиқлол йилларида Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ажралмас қисмига айланди, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онги юксалишига сезиларли таъсир кўрсатди. Ўтган давр мобайнида сайлов қонунчилиги ҳам ривожланди. Бугунги кунда у ҳуқуқнинг мустақил тармоғига айланди ва ўз ичига бир қанча қонун ҳужжатларини қамраб олган.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси**¹ умумэътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқнинг нормаларини ўзида ифода этган. Айнан ушбу жиҳат миллий сайлов ҳуқуқини ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сайлов қонунчилиги халқаро сайлов стандартларига мувофиқ ривожланмоқда. Бу борада эришилган муваффақиятларимизни нафақат миллий экспертлар, балки халқаро мутахассислар ҳам эътироф этмоқда. Уларнинг фикрича, Ўзбекистонда замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган ва ҳатто, айрим йўналишлар бўйича баъзи ривожланган давлатлардан илгариланган демократик сайлов қонунчилиги яратилди. 2014 йилнинг 21 декабрида мамлакатимизда ўтказилган сайловни кузатиш учун ташриф буюрган 340 дан зиёд чет эллик кузатувчилар, нуфузли халқаро

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2014.

ташкilotлар вакилларининг холис хулосаларининг ўзиёқ бунинг исботидир.

Бугунги кунда давлат ўз миллий ҳуқуқий тизими ва унинг учун мақбул қонунчилик базасини яратар экан, ўзи танлаган йўлнинг истиқболлини жаҳоннинг глобаллашув жараёнлари билан уйғунликда кўрмаслиги мумкин эмас. Халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуққа нисбатан таъсири анча сезиларли ва муқаррардир. **Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар даражасида бошқа мамлакатларнинг умумлаштирилган тажрибаси миллий ҳуқуқ ва қонунчилик тизимини қўллаш самарали моделларини кўриб чиқиш чоғида кенг тарқалган хатоларни такрорламаслик имконини беради.** Демократлашув миллий институтлар қайта шаклланишида намоён бўлади ва биринчи галда инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини рўёбга чиқариш мақсадини назарда тутди.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилиги миллий ҳуқуқий тизимдаги энг динамик ва изчил ривожланаётган тармоқлардан бири ҳисобланади.

Халқаро сайлов стандартлари сайлов соҳасидаги ўзгаришларнинг мустаҳкам асоси ва мезонларидан бирига айланган. Улар демократик сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда очиқлик ва ошкоралик, барча даражадаги сайлов комиссияларининг фаолиятида қонунийлик, коллегиялик, мустақиллик ва адолатлиликка риоя қилиш каби ҳуқуқий категорияларни ўзида мужассамлаштиради. Миллий ҳуқуқий тизим даражасида халқаро сайлов мажбуриятларининг мустаҳкамлаб қўйилиши ва халқаро сайлов нормаларининг амалдаги қонунчиликка татбиқ этилиши мамлакатимизнинг кучли демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги жиддий қадами ҳисобланади.

Халқаро сайлов стандартлари сайлов ўтказишнинг асосий принципларини ўзида ифода этади. **Сайлов ўтказишнинг асосий принциплари** деганда, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган устувор қоидалар (принциплар) йиғиндиси тушунилади. Бу принцип-

ларга куйидагилар киради: а) умумий сайлов ҳуқуқи принципи; б) тенг сайлов ҳуқуқи принципи; в) тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи принципи; г) яширин овоз бериш ҳуқуқи принципи¹.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Парламентлараро Иттифоқ, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) ва бошқа халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар томонидан қабул қилинган бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда, хусусан, БМТ томонидан қабул қилинган **Фукаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25-моддаси**², Парламентлараро Иттифоқ Кенгаши томонидан қабул қилинган **Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги Декларациянинг 1-моддаси**³, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Инсонийлик мезонлари бўйича **Копенгаген Кенгашининг ҳужжати**⁴ ва бошқа халқаро ҳужжатлардаги мазкур принциплар **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуни**⁵, **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни**⁶ ҳамда сайловга оид бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамланиб, сайловларнинг демократик тарзда ўтишида муҳим аҳамият касб этади.

¹ Қаранг: *Норматов Н., Каримов Д.* Сайлов ўтказишнинг асосий принциплари – Т.: «Ўзбекистон», 2009.

² Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган Фукаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт // Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: «Адолат», 2002. 54–74-бетлар.

³ Декларация о критериях свободных и справедливых выборов (По документам Межпарламентского Союза). – М.: Известия. 1994. – С. 5–11.

⁴ Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген Кенгашининг ҳужжати // Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: «Адолат», 2004. 360–380-бетлар.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 1-сон, 34-модда.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 132-модда.

Сайлов ўтказишнинг асосий принципларидан ташқари, эркинлик, ошқоралик, адолатлилик, масъуллиқ каби қўшимча принциплар ҳам мавжуд бўлиб, улар сайлов қонунчилигининг бир қатор нормаларида ўз аксини топган.

Мазкур рисолада «халқаро сайлов стандартлари» тушунчаси, моҳияти, турлари ва манбалари, уларнинг миллий сайлов қонунчилигига имплементация қилиниши каби масалалар ёритилган.

«Халқаро сайлов стандартлари» тушунчаси, моҳияти, турлари ва манбалари

Халқаро сайлов стандартларининг сиёсий-ҳуқуқий аҳамияти, айниқса, XXI асрга келиб ёрқин намоён бўлмоқда. Чунки, ҳозирги вақтда аксарият давлатлар ўз ҳуқуқий тизимлари тамойилларини уйғунлаштирмоқда, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларининг кафолатларини янада мустаҳкамламоқда.

Сайлов муносабатларини халқаро ҳуқуқий тартибга солиш механизмида халқаро сайлов стандартлари алоҳида ўрин эгаллайди. Чунончи, халқаро сайлов стандартлари фуқароларнинг сайлов жараёнида фаол иштирок этишларини таъминлашда, кучли фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, замонавий сайлов ҳуқуқи ва сайлов қонунчилигини шакллантириш жараёни нафақат миллий ҳуқуқий асосларни, балки халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларини ҳам қамраб олади.

Мустақилликка эришиш арафасидаёқ, яъни 1991 йил 12 июнда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессиясида сўзлаган нутқида давлатимиз раҳбари «**Ўзбекистон келгусида тенг ҳуқуқли ва суверен давлат сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўладиган кун келишига аминман. Бу – бизнинг қонуний ҳуқуқимиздир, бу халқаро қонунларга асосланган давр талабидир, жафокаш ўзбек халқининг, республикамизда яшовчи барча эрксевар фуқароларнинг истагидир**»¹, деб таъкидлаган эди. Бу истакнинг рўёбга чиқиши халқаро ҳамжамятда муносиб ўрин

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. 343-бет.

эгаллашимизга замин яратди. Энг муҳими, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлиги тан олиниб, демократик даврий сайловларнинг ўтказилиши мамлакатимиз тараққиётини ҳаракатлантирувчи куч вазифасини бажариб келмоқда. Халқаро стандартларга асосланган сайловлар Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда обрў-эътиборини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддима-сида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлигининг тан олиниши мустаҳкамлаб қўйилган. Яъни, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари мамлакатимиз ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

Ҳуқуқий адабиётларда тўғри ифода этилганидек, демократик сайловларнинг сиёсий қиймати ва ҳуқуқий институт сифатидаги роли беқиёс. Халқ вакиллиги демократияси миллий суверенитет билан узвий боғлиқ. Халқ ҳокимиятчилигини демократик сайловларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Халқаро сайлов стандартлари бир вақтнинг ўзида иккита: ҳуқуқни ташкил этувчи ва ҳуқуқни тартибга солувчи юридик вазифани бажаради.

Шу билан бирга, халқаро сайлов стандартлари фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликлари, уларнинг татбиқ этилиши ва қўлланилишини бевосита белгилайди.

Ҳуқуқий адабиётларда таъкидланганидек, халқаро сайлов стандартлари деганда, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқига оид бўлган сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича халқаро ҳуқуқ принциплари тушунилади.

Халқаро сайлов стандартлари ҳам давлатга, ҳам фуқароларга қаратилган. Бунда давлат фуқароларни демократик сиёсий жараённинг табиатига монанд бўлган объектив ҳуқуқ билан таъминлашга мажбур бўлади. Фуқароларга эса муайян юридик имкониятлар, яъни субъектив сиёсий ҳуқуқлар берилиши кафолатланади.

Халқаро сайлов стандартлари миллий қонун ҳужжатларини унификациялаш асоси ҳисобланади. Халқаро сайлов стандартларидан сайлов жараёнининг барча иштирокчилари бевосита фойдаланади. Чунончи, халқаро сайлов стандартлари сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини татбиқ этиш, фуқароларнинг сайлов жараёнида ошқора иштирок этиши ва сайлов жараёнини ташкил этиш учун зарур, етарли шарт-шароитларни таъминлашни зарурат қилиб қўяди.

Бинобарин, «халқаро сайлов стандартлари» тушунчаси ҳуқуқий категория, институт сифатида ҳуқуқий тартибга солиш манбаси, принципи, норматив аҳамияти ва хусусияти жиҳатидан ўта долзарб ҳуқуқий қадрият ҳисобланади. Фикри-мизча, **халқаро сайлов стандартлари** деганда, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш ва сайловларни ташкил қилиш ҳамда ўтказишга оид халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари мажмуасидан иборат институт тушунилади.

Халқаро сайлов стандартларининг ўзига хос жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, халқаро сайлов ҳуқуқи ва сайлов жараёнига тааллуқли бўлган халқаро стандартлар (халқаро сайлов стандартлари) давлат органларига ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ёки фуқароларнинг хоҳиш-иродасини билдиришни таъминлаш орқали амалга оширилади;

иккинчидан, халқаро сайлов стандартлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш, кўппартиявийлик ва мафқуралар хилма-хиллиги, сайловни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларнинг барқарорлиги ва уларнинг жадал ривожланиши, демократик сайлов жараёнларини таъминлашнинг асосий шартлари ҳисобланади;

учинчидан, халқаро сайлов стандартлари сайлов органлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан овоз беришни

ташқиллаштириш ва овозларни санаш, сайлов жараёни ишти-
рокчиларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш
механизмининг мавжудлиги ва самарали ишлаши, овоз бериш
яқунлари ва сайлов натижалари устидан судга ҳамда бошқа
ваколатли органларга шикоят қилиш, сайлов натижаларини эъ-
лон қилишдек сайлов жараёнининг муҳим жиҳатларини оди-
лона халқаро кузатиш орқали амалга оширилади.

Сўнги ўн йилликларда қатор муҳим халқаро ҳужжатлар
ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Улар биргаликда халқаро
сайлов стандартларини ташкил этади. Ҳозирги вақтда ушбу
ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган халқаро ҳуқуқнинг
принциплари ва нормаларини ҳисобга олмасдан, миллий сай-
лов қонунчилигини ривожлантириш ва сайловларни ўтказиш
мумкин эмас.

**Халқаро сайлов стандартлари бир қатор халқаро
ҳужжатларда ўз ифодасини топган бўлиб, уларнинг асо-
сийлари жумласига қуйидагилар киради:**

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (БМТ
Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул
қилинган)¹.

**2. 1950 йилдаги Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинлик-
ларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси²**
(унга доир 1-баённома билан бирга).

**3. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро
пакт³** (БМТ, 1966 йил 16 декабрь).

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси // Ўзбекистон Республи-
каси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: «Адолат». 2002. 48–54-бетлар.

² Европейская Конвенция о защите прав человека и основных свобод
// Международные акты о правах человека. Сборник документов. – М.:
«Норма-Цифра». 1998. – С. 539–543.

³ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган
Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт // Ўзбекистон
Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.:
«Адолат». 2002. 54–74-бетлар.

4. ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген Кенгашининг хужжати¹ (Копенгаген, 1990 йил 29 июнь).

5. 1994 йилдаги Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги декларация².

6. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига иштирок этувчи давлатларда демократик сайловлар, сайловга доир ҳуқуқлар ва эркинликлар стандартлари тўғрисидаги Конвенция³ (Кишинёв, 2002 йил 7 октябрь).

Универсал ва минтақавий сайлов стандартлари

Фуқароларнинг давлат органларини демократик тарзда ташкил этишдаги иштироки асосан сайловларда намоён бўлади. Шу боис, сайловлар демократиянинг муҳим шарти ва ажралмас белгиси саналади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, «**демократия ва сайлов тушунчалари доимо ёнма-ён юради, улар ўзаро бирлашиб кетган. Сайлов – демократия дегани. Демократия – бу сайлов дегани**»⁴.

Дарҳақиқат, мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи кўп жиҳатдан унда амал қилаётган сайлов тизимининг очиқлиги ва демократиклигига боғлиқ. Чунки сайловга кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши,

¹ Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг инсонийлик мезонлари бўйича конференция Копенгаген Кенгашининг хужжати // Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: «Адолат». 2004. 360–380-бетлар.

² Декларация о критериях свободных и справедливых выборов (По документам Межпарламентского Союза). – М.: «Известия». 1994. – С. 5–11.

³ Абдусаломов М., Саидов А., Садыков Ж., Нурматов Н. Халқаро сайлов стандартлари ва сайловларни кузатиш: хужжатлар ва материаллар тўплами. – Т: Vaktrیا press, 2014 й., 395–412-бетлар.

⁴ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2005. 18-бет.

фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шакли сифатида баҳо берилади.

Халқаро сайлов стандартларининг сиёсий-ҳуқуқий аҳамияти кўплаб мамлакатлар ўз ҳуқуқий тизимларини куришда асосланган фуқароларнинг ахборот олишга бўлган тенг ҳуқуқлилиги, мамлакатни бошқаришдаги иштироки, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи каби инсон ҳуқуқларини тан олувчи принциплар қўлланган даврда, яъни ХХI асрда яққол кўзга ташлана бошлади. Халқаро ҳуқуқ принципларида халқаро ҳамжамият иштирокчилари хулқ-атворининг деярли умумий қоидаларидан халқаро ҳуқуқнинг нисбатан аниқлаштирилган қоидаларини белгилашга эътибор қаратишади. Ушбу принциплар нафақат аниқ хулқ-атвор қоидаларининг вужудга келишини белгилайди, балки ўзига бўйсундиради, натижада муайян хулқ-атвор қоидалари ўзаро келишади ва айни шу вақтда нисбатан умумий хулқ-атвор қоидаси устуворлик касб этади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир давлат ўзининг жаҳон миқёсидаги нуфузини белгилаш мақсадида ўз қонунчилигини халқаро нормаларнинг принциплари асосида шакллантиришга интилади. Ҳар бир давлат ўз сайлов қонунчилигини, аввало, ўзининг менталитети, аҳолиси ва бошқа ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб шакллантирса-да, бу сайлов қонунчилигининг негизида универсал ва минтақавий сайлов стандартларининг асосий принциплари ўз ифодасини топиши муҳим аҳамият касб этади.

Универсал сайлов стандартлари умумжаҳон миқёсидаги халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган нормаларда шакллантирилган умумий сайлов принципларида намоён бўлади.

Универсал сайлов стандартлари илк бор 1948 йил 10 декабрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан тасдиқланган **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси**¹да ўз акси-

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси // Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: «Адолат», 2002. 5-бет.

ни топган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасида ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эгаллиги, шу билан бирга, халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозимлиги, ҳокимият умумий ва тенг сайлов ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ифода этилиши лозимлиги таъкидланган. Ушбу норма умумжаҳон миқёсида сайлов принципларининг биринчи мартаба белгиланиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Албатта, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташкил топиши ва унинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлари натижасида ушбу ташкилот томонидан инсон ҳуқуқлари, хусусан, сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор халқаро нормалар қабул қилинди.

Мисол учун, 1966 йил 19 декабрда БМТ томонидан қабул қилинган **Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт**¹нинг 25-моддасига мувофиқ, ҳар бир фуқаро куйидаги ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эга бўлиши керак:

биринчидан, ҳам бевосита, ҳам эркин сайланган вакиллар орқали давлат ишларини бошқаришда қатнашиш;

иккинчидан, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган ва сайловчиларнинг эркин ҳолдаги хоҳиш-иродасини таъминловчи чинакам даврий сайловда овоз бериш ва сайланиш;

учинчидан, ўз мамлакатида умумий шартларда давлат хизматига киришда тенг имкониятларга эга бўлиш.

БМТ хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳам жуда катта эътибор қаратиб келмоқда. 1952 йил 20 декабрдаги Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 1-моддасида аёлларнинг ҳеч бир камситишларсиз эркаклар билан

¹ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт // Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: «Адолат», 2004. 36–55-бетлар.

тенг шароитларда барча сайловларда овоз бериш ҳуқуқига эгаллиги¹ белгиланган. Мазкур ҳужжатнинг 2-моддасида эса аёллар ҳеч бир камситишларсиз эркаклар билан тенг шароитларда миллий қонунчиликда белгиланган, сайлашни талаб қиладиган ташкилотларга сайланиши мумкинлигига оид нормалар мавжуд.

Шу билан бирга, БМТнинг 1967 йил 7 ноябрдаги «**Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисида**»ги Декларациясининг 4-моддасида² эса БМТга ҳар бир иштирокчи-давлат аёлларга эркаклар билан бир хил шароитларда ҳеч бир камситишсиз қуйидаги ҳуқуқларни таъминлашлари лозимлиги таъкидланган:

а) сайловларда овоз бериш ҳуқуқи ва очикдан-очик сайланадиган органларга сайланиш ҳуқуқи;

б) барча очик референдумларда овоз бериш ҳуқуқи ҳамда давлат лавозимларини эгаллаш, шунингдек, давлат бошқарувининг барча бўғинларида давлат вазифаларини амалга ошириш.

Бундан ташқари, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида уларнинг ирқий камситилишига йўл қўймаслик масалалари алоҳида эътироф этилган. Бу БМТнинг 1966 йил 7 мартдаги **Ирқий камситишнинг барча шакллари**ни тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенциясида ўз аксини топган³. Ушбу Конвенциянинг 5-моддасида ҳар бир одамнинг ирқи, тана ранги, миллий ёки этник келиб чиқишидан қатъи назар, сиёсий ҳуқуқлар, шу жумладан, умумий ва тенг сайлов ҳуқуқида сайловда қатнашиш, овоз бериш ва ўз ном-

¹ Қаранг: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти расмий веб-сайти: www.un.org

² Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида декларация // Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: «Адолат», 2002. 140–144-бетлар.

³ Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция // Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: «Адолат», 2004. 83–95-бетлар.

зодини кўрсатиш ҳукуқи, мамлакат бошқарувида қатнашиш ҳукуқи, ҳар қандай даражадаги давлат хизматида тенг кириш ҳукуқи тамойили белгилаб қўйилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси 1991 йил 17 декабрда «**Давлатларда сайловлар ўтказиш давомида миллий суверенитет ва ички ишларга аралашмаслик тамойилларини ҳурмат қилиш тўғрисида**»ги **46/130-сонли Резолюцияни** қабул қилган¹. Ушбу Резолюцияда сайловларни ўтказиш жараёнига тааллуқли бўлган институтларни шакллантириш ва уларнинг асосий фаолият йўналишларини аниқлаш, шунингдек, ҳар бир давлатда конституциявий-ҳуқуқий нормалар ва миллий қонунчиликка асосланган сайлов ўтказишнинг усулларини танлаш фақатгина халқнинг зиммасида эканлиги, халқаро ҳамжамият томонидан мунтазам ва адолатли сайловлар ўтказиш тамойилнинг самарадорлигини оширишга қаратилган фаолиятнинг асосий мақсади сайловларни эркин ўтказиш ва ўзларининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий тизимларини бошқа давлатларга маъқулми ёки йўқми, ундан қатъи назар, уларни ривожлантиришни чеклаб қўйишга йўл қўймаслик ҳамда сайловларни эркин ва одилона ўтказишни таъминлашда асосий масъулият давлатларнинг ўзига юклатилиши назарда тутилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг сайлов стандартларини белгилаб бериш бўйича сўнгги халқаро нормаси 2005 йил 27 октябрда қабул қилинган БМТнинг **Сайловларни халқаро кузатиш принциплари декларацияси**² ҳисобланади. Ушбу Декларацияда чинакам демократик сайловлар – бу мамлакат аҳолисининг суверен ҳуқуқлари ифодаси, ҳукумат ваколатлари

¹ Қаранг: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти расмий веб-сайти: www.un.org

² Қаранг: Международное наблюдение за выборами и референдумами. Сборник документов и материалов / Сост. и отв. ред. доктор юридических наук, заслуженный юрист Российской Федерации В.И. Лысенко; под общей ред. В.Е. Чуров; Центральная избирательная комиссия Российской Федерации. – М., 2011. – С. 49–61.

ва қонунийлигининг асоси бўлмиш эркин хоҳиш-иродасининг билдирилиши, деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Бундан ташқари, Декларацияда фуқароларнинг мунтазам ўтказиладиган демократик сайловларда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари халқаро эътироф этилган инсон ҳуқуқлари ҳисобланиши белгиланган. Чинакам демократик сайловлар мамлакатда сиёсий ҳокимият учун курашни тинч йўл билан ҳал этиш имконини яратиш мақсадига хизмат қилади. Шунинг учун сайловлар тинчлик ва барқарорликни сақлашда асосий аҳамият касб этади. Ҳукумати қонуний, чинакам демократик сайлов йўли билан сайланган давлатларда ҳокимиятга нодемократик йўл билан эришиш имкониятлари чекланганлиги ҳам Декларацияда таъкидлаб ўтилган.

Парламентлараро иттифок Кенгашининг 1994 йил 26 мартда Парижда 154-сессиясида қабул қилинган **Эркин ва адолатли сайлов мезонлари тўғрисидаги декларация**-нинг¹ 1–12-бандига асосан чинакам эркин ва адолатли сайловлар ўтказишнинг институтлари ва ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш, сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда ҳолисона, адолатли ва барқарор механизм ўрнатиш, барча фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этиш, партиялар ва номзодлар учун ўз дастурлари билан таништириш учун зарур имкониятлар таъминланиши, яширин овоз бериш принципига риоя қилиш, пора бериш ёки бошқа ноқонуний ҳаракатларга йўл қўймаслик, сайлов жараёнининг аниқ ва тушунарли олиб борилишини таъминлаш, сайловларда зўравонлик қилиш ҳолатларининг олдини олиш, сайлов жараёнига тааллуқли бўлган шикоятларни сайлов органлари ва судлар томонидан тезкор равишда ва самарали кўриб чиқишда қонуний ва бошқа чоралар кўриш давлат мажбуриятлари ҳисобланади.

Шу билан бирга, Парламентлараро иттифок Кенгашининг 161-сессиясида 1997 йил 24 майда Парижда қабул қилинган

¹ Ўша жойда. 765–769-бетлар.

Демократия тўғрисидаги умумий декларация¹нинг 12-бандига мувофиқ, демократияга эришишнинг асосий воситаси аниқ давр оралиғида ўтказиладиган эркин ва адолатли сайловлар ҳисобланади ҳамда унинг ёрдамида халқнинг хоҳиш-иродаси ифода этилишига имкон яратилади.

Минтақавий халқаро сайлов стандартларини ишлаб чиқишда қатор ўзига хос шарт-шароитлар ҳисобга олинган. Маълум минтақанинг давлатлари томонидан ташкил қилинган халқаро ташкилотлар қабул қиладиган нормаларда ўша минтақанинг аҳолиси, иқлими ва ўзига хос хусусиятлари ва айни пайтда универсал сайлов стандартларига амал қилган ҳолда сайлов принциплари шакллантирилган.

1990 йил 29 июнь куни Копенгаген шаҳрида қабул қилинган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг **Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси ҳужжати**²да мунтазам ўтказиладиган ва ҳақиқий сайловлар борасида эркин ифода этиладиган халқ иродаси ҳокимият ва ҳар қандай ҳукумат қонунийлигининг асоси эканлиги назарда тутилган.

Шу билан бирга, ушбу ҳужжатнинг қатор нормаларида халқ хоҳиш-иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиб хизмат қилиши ифода этилган, яъни иштирокчи давлатлар:

– қонунда белгиланганидек, оқилона вақт оралиғида эркин сайлов ўтказадилар;

– миллий қонун чиқарувчи органнинг ҳеч бўлмаса бир палатасидаги ҳамма мандатлар умумхалқ сайлови жараёнида номзодлар эркин тортишувининг объекти бўлишига йўл қўядилар;

– катта ёшдаги фуқароларга умумий ва тенг сайлов ҳуқуқини кафолатлайдилар;

– овоз бериш яширин ўтказилишини ёки эркин овоз беришга тенг келадиган тартибот қўлланилишини ва овозлар-

¹ Қаранг: Парламентлараро Иттифок расмий веб-сайти: www.ipu.org.

² Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген Кенгашининг ҳужжати // Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: «Адолат». 2004. 360–380-бетлар.

ни ҳисоблаш ҳамда бу ҳақдаги ахборот ҳаққоний бўлишини, унинг расмий яқунлари эса матбуотда эълон қилинишини таъминлайдилар;

– фуқароларнинг шахс сифатида ёки сиёсий партияларнинг ёхуд ташкилотларнинг вакили сифатида, камситишларсиз, сиёсий мавқеига ёки давлат лавозимларига эришиш ҳуқуқларини ҳурмат қиладилар;

– алоҳида шахсларнинг ёки шахслар гуруҳларининг тўла эркинлик шароитида ўз сиёсий партияларини ёки бошқа сиёсий ташкилотларни тузиш ҳуқуқини ҳурмат қиладилар ҳамда бундай сиёсий партиялар ва ташкилотларга ҳуқуқ ва давлат органлари олдида тенглик асосида, бир-бири билан мусобақалашиб имконини берувчи зарур юридик кафолатлар берадилар;

– ҳеч қандай маъмурий ҳаракат, зўравонлик ёки қўрқитиш партия ва номзодларни ўз қарашлари ҳамда баҳолашларини эркин баён этишдан тўхтата олмайдиган, шунингдек, сайловчиларга бу қарашлар ва баҳолашлар билан танишиш ва уларни муҳокама қилиш ёки жазоланишдан қўрқмасдан эркин овоз бериш учун ҳеч ким халақит бермайдиган эркинлик ва ҳаққонийлик шароитида сиёсий кампаниялар ўтказилишига қонун ва давлат сиёсати йўл қўйишини таъминлайдилар;

– оммавий ахборот воситаларидан монеликсиз фойдалана олиш учун сайлов жараёнида иштирок этишни хоҳловчи барча сиёсий гуруҳлар ва алоҳида шахсларга камситмаслик асосида ҳеч қандай юридик ёки маъмурий тўсиқлар ўрнатилмаслигини таъминлайдилар;

– қонунда белгиланган зарур миқдорда овоз олган номзодлар лозим даражада мансабларини эгаллаши ва мансабларида ваколат муддати тугагунга қадар ёки бошқа демократик парламент ва конституциявий тартиботга мос равишда қонун билан мувофиқлаштириладиган тарзда ваколатлари тугатилгунга қадар қолишларини таъминлайдилар;

– иштирок этувчи давлатлар ҳам хорижий, ҳам миллий қулатувчиларнинг ҳозир бўлиши сайлов ўтказиладиган давлат

учун сайлов жараёнининг обрўсини ошириши мумкин, деб хисоблайдилар. Шунинг учун улар ЕХХТда иштирок этувчи ҳар қандай бошқа давлатдан ҳамда тегишли муассаса ва ташкилотлардан кузатувчиларни қонун йўл қўядиган даражада миллий сайлов боришини кузатиш учун таклиф қиладилар. Худди шунингдек, улар умуммиллий даражадан пастроқ даражада ўтказиладиган сайлов жараёнларида иштирок этиш учун ҳам қўмаклашишга ҳаракат қиладилар. Бундай кузатувчилар сайлов жараёнига аралашмаслик мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

Ҳар бир киши тинчлик йўли билан йиғилишлар ва намойишлар ўтказиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқларни амалга ошириш борасида белгиланиши мумкин бўлган ҳар қандай чеклашлар қонунда кўрсатилади ва халқро андозаларга мос келиши лозим.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти давлат ва ҳукумат раҳбарларининг 1990 йил 19–21 ноябрдаги Кенгашида қабул қилинган **Янги Европа учун Париж Хартияси**¹га ушбу ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари ўз зиммасига давлатларини ягона бошқарув тизими сифатида қуриш, жипслаштириш ва мустақамлаш мажбуриятини олиш учун қуйидаги қоидаларга амал қилиш мақсадида имзо чеккан:

– демократик бошқарув эркин ва адолатли сайловлар пайтида мунтазам равишда ифодаланган халқ хоҳиш-иродасига асосланади;

– вакиллик ва фикрлар хилма-хиллиги хусусиятига эга бўлган демократия сайловчиларга ҳисобот беришга, давлат ҳокимиятларининг қонунларга риоя этиш мажбуриятларига ва одил судлов самарадорлигига эришишга олиб келади. Ҳеч ким қонундан устун турмаслиги керак.

Бу қоидалар, албатта, сайловларнинг умумэтироф этилган сайлов принциплари асосида ўтишини таъминлайди.

¹ Янги Европа учун Париж Хартияси // Инсон ҳуқуқлари бўйича халқро шартномалар. – Т.: «Адолат», 2004. 380–384-бетлар.

2002 йил 7 октябрда Кишинёв шаҳрида қабул қилинган **Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида иштирок этувчи давлатларда демократик сайловлар, сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари стандартлари тўғрисидаги Конвенцияни**¹ ҳам минтақавий сайлов стандартларига мисол сифатида келтириш мумкин. Унда қуйидаги нормалар мавжуд:

1. Демократик сайлов халқ ҳокимияти ва иродасининг бево-сита олий ифодасининг бири, сайланадиган давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, халқ (миллий) вакилликнинг, сайланадиган мансабдор шахслар фаолияти-нинг асоси ҳисобланади.

2. Томонлар фуқаронинг давлат ҳокимияти органларига, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига ва халқ (миллий) вакилликнинг бошқа органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи; яширин овоз бериш йўли билан умумий, тенг сайлов ҳуқуқи асосида сайловчиларнинг эркин хоҳиш-иродаси билдирилишини таъминловчи, сайловларнинг даврийлиги ва мажбурийлиги, адолатлилиги, ҳаққонийлиги ва эркинлиги тамо-йиллари; сайловларнинг очиқ ва ошқора; инсон ва фуқаронинг сайлов ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг судда ва бошқа тарзда ҳимоясини амалга ошириш, сайловларни халқро кузатиш; сайлов жараёни иштирокчиларининг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш кафолатлари демократик сайловларнинг стандартлари ҳисобланишини эътироф этади-лар.

3. Фуқаронинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи конститу-ция ва (ёки) қонунларда, уларни амалга ошириш тартиби эса қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилади.

4. Сайловларни тайинлаш, уларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш конституция ва қонунлар асосида амалга оширилади.

¹ Қаранг: Конвенция о стандартах демократических выборов, избирательных прав и свобод в государствах-участниках Содружества Независимых Государств / Центральная избирательная комиссия Российской Федерации. – М., 2004. – С. 166.

5. Конституция, қонунларда белгиланган зарур микдордаги овозларни олиб сайланган шахслар қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда лавозимига киришадилар, шу тариқа улар сайловчилар олдидаги масъулиятини эътироф этади ва мансабида демократик парламент ва конституцияга оид тартиботларга мувофиқ конституция, қонунларда тартибга солинадиган ваколатлари муддатидан илгари тугатилгунига қадар қоладилар.

6. Сайловларнинг қонуний ва оммавий туси сайловда иштирок этувчи фуқаролар, номзодлар, сиёсий партиялар, коалицияларнинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш, сайлов жараёнини ташкил этишнинг конституциявий принципларини ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ этиш суд, маъмурий ва бошқа ҳимоя воситалари билан таъминланади.

7. Чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, хорижий юридик шахслар, халқаро жамоат ҳаракатлари, халқаро ташкилотларнинг давлат ҳокимияти органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, халқ (миллий) вакилликнинг бошқа органлари сайланиб қўйиладиган мансабдор шахсларнинг сайловига тайёргарлик кўриш ва унинг ўтказилишига қўмақлашувчи ёки тўсқинлик қилувчи фаолиятни амалга оширишда бевосита ёки билвосита иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, сайловларни умумэтироф этилган мазкур тамойиллар асосида ўтказиш демократияни ривожлантиришнинг асосий қисми, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини ҳурмат қилишдан манфаатдорликнинг ифодаси сифатида хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда халқаро сайлов стандартларига мос сайлов тизимининг ривожланиши ва унинг конституциявий-ҳуқуқий асослари

Дунё давлатчилигининг ривожланиши ҳамда жамоатчилик онги юксалишида сайлов институти ролининг яққол ошганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Мамлакатнинг жаҳон

миқёсидаги нуфузи кўп жиҳатдан унда амал қилаётган сайлов тизимининг очиклиги ва демократиклигига ҳам узвий боғлиқ. Чунки сайловга кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шакли сифатида баҳо берилади.

Демократик давлатчилик ривожда халқ билан жамият ўртасидаги муносабатлар бир шахснинг ёки бир гуруҳ шахсларнинг хоҳиш-иродаси билан эмас, балки қонун асосида тартибга солиниши муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун қонун устуворлиги демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири, деб эътироф этилади. Зеро, у адолатни таъминлаш мезонларидан биридир. Бу принцип жаҳондаги демократик мамлакатлар конституцияларида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилганлигининг боиси ҳам шунда. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ҳамда сайлов тизими қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилганлиги ва бу ҳуқуқларнинг эркин амалга оширилишини таъминлаш ҳам демократик давлатнинг асосий вазифаларидан биридир. Маълумки, сайлов демократиянинг энг муҳим институти, халқ хоҳиш-иродасини ифодалашнинг асосий шаклларида бири саналади.

Адабиётларда қайд этилганидек, сайлов тизими демократик жамият сиёсий тизимининг муҳим қисми бўлиб, фуқароларнинг сайлаш ва сайланишидан иборат ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар йиғиндисини англатади. Ушбу тушунча давлатнинг сайлаб қўйиладиган органларини шакллантириш тартиб-тамоийилларини ҳам ўз ичига олади.

Мамлакатимизда демократик сайловларнинг қонунчилик асослари узокни кўзлаган ҳолда изчил такомиллаштирилиб борилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг «**Модомики демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш каби эзгу мақсад сари интилаётган эканмиз, демо-**

кратиянинг бош талаби бўлмиш эркин сайловларни муносиб ташкил қилиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир»¹, деган муҳим фикрлари ҳам сайлов жараёнини қонуний ва самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратишни талаб этади.

Ўзбекистон халқининг бош мақсади ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш экан, бунда халқнинг хоши-иродаси бирламчи манба сифатида тан олинади ҳамда умуминсоний қадриятларни улуғлаш ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлигини таъминлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Сайлов ҳуқуқи ва сайловларни ташкил этиш тизими халқ ҳокимиятчилигини амалга оширишнинг зарур таркибий қисми ҳисобланади. Сайлов ҳуқуқи сиёсий тизим турига қараб ҳар хил ижтимоий-сиёсий вазифаларни бажаради. Демократик сиёсий тизим доирасида сайлов ҳуқуқи халқ суверенитети, ҳаққоний халқ ҳокимиятчилигини ўзида намоён этадиган рақобатли сиёсий жараёнларни таъминлайди.

Мамлакатимизнинг сайлов қонунчилигини яратиш ва уни изчил ривожлантириш бўйича босиб ўтилган мустақил тараққиёт йўлини алоҳида икки даврга ажратиш тўғри бўлади. Миллий сайлов тизими асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислохот ва ўзгаришларни ўз ичига олган **дастлабки босқич** – 1991–2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври, том маънода тарихий аҳамиятга эга давр бўлди.

Дастлабки босқичда асосий вазифа янги, демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими ва қонунчилигини шакллантиришдан иборат эди.

Миллий сайлов тизимининг конституциявий асослари яратилиб, Асосий Қонунимизда унга алоҳида боб ажратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга, 32-моддасида ҳар бир фуқаро жамият ва давлат ишларини бошқаришда

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-ж. – Т.: «Ўзбекистон», 2000. 62-бет.

бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига, 117-моддасида ҳар бир фуқаро давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига, ҳар бир сайловчи бир овозга эга эканлиги, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Шу билан бирга, унинг қатор моддаларида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини конституциявий кафолатлашга қаратилган нормалар мустаҳкамланди. Хусусан, Конституциянинг 9-моддасига мувофиқ, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овоз (референдумга)га қўйилади. 10-моддасида эса Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Олий Мажлис ва Президент иш олиб бориши мумкинлиги, жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмаслиги белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг асосий сиёсий ҳуқуқларидан бири сифатида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи назарда тутилган. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Конституциянинг ушбу нормаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида¹ги Халқаро пактнинг 25-моддасига тўла мос келади. Унга кўра, ҳар бир фуқаронинг камситишсиз ҳамда асосланмаган чеклашларсиз ҳам бевосита, ҳам эркинлик билан сайланган вакиллари воситасида давлат ишларини юргизишда қатнашиш ҳуқуқлари ва имкониятларига эга бўлиши мустаҳкамлаб қўйилган.

¹ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт // Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: «Адолат». 2002. 54–73-бетлар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасида фуқароларнинг касба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқининг мустақамланиши уларнинг давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги сиёсий ҳуқуқларини кафолатлашга хизмат қилади.

Асосий Қонуннинг 60-моддасида сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар, деб мустақамлаб қўйилди.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг амалга оширилиши, бу борадаги кенг қўламли ислохотларнинг ҳуқуқий асоси сифатидаги ўрни куйидаги шаклларда намоён бўлади:

биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари мазмунини белгилаб беради. Конституциянинг 117-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-моддасига мувофиқ, фуқароларнинг бошқа ҳуқуқлари қаторида сайлов ҳуқуқини таъминлаш давлат зиммасига юклатилган;

учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқаролар томонидан сайлаш йўли билан шакллантириладиган давлат органлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари доирасини белгилаб беради. Бундай органлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари киради;

тўртинчидан, конституциявий нормалар сайлов ҳуқуқининг демократик тамойиллари Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг бўғини ҳисобланиши ҳақидаги қоидадан келиб чиқади. Ўзбекистон Республикасининг Конституция-

си муқаддимасида халқаро ҳуқуқнинг умумъятироф этилган қоидалари устунлиги тан олинганлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Бунда асосан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари муҳим ўрин тутати:

1) Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасига мувофиқ, халқ иродаси ҳуқумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим; бу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқидан яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозим¹;

2) Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25-моддасига мувофиқ, ҳар бир фуқаро ҳеч бир камситишларсиз ва асосланмаган чеклашларсиз қуйидаги ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эга бўлиши керак: ҳам бевосита, ҳам эркин сайланган вакиллар орқали давлат ишларини бошқаришда қатнашиш; ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган ва сайловчиларнинг эркин ҳолдаги хоҳиш-иродасини таъминловчи чинакам даврий сайловда овоз бериш ва сайланиш; ўз мамлакатида умумий шартларда давлат хизматида киришда тенгликка йўл қўйиш²;

3) Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш тўғрисидаги Европа конвенциясига³ кўра, келишувчи томонлар ақл-идрок билан сайловларни кетма-кетлик, яширин овоз бериш, эркинлик асосида ўтказишни ўз зиммасига оладилар, улар қонуний ҳокимиятни сайлашда халқнинг эркин ирода билдиришини таъминлайдилар;

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси//Ўзбекистон Республикаси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Масъул муҳаррир – А.Х.Саидов. – Т.: «Адолат», 2002. 51–52-бетлар.

² Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт // Ўзбекистон Республикаси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Масъул муҳаррир – А.Х.Саидов. – Т.: «Адолат», 2002. 63–64-бетлар.

³ Қаранг: Европейская Конвенция «О защите прав и свобод человека»// www.coe.int.

4) Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХХТ) демократик сайловлар соҳасидаги асосий андозалари Инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген Кенгашининг хужжатида назарда тутилган бўлиб, ЕХХТнинг сайлов принциплари **умумийлик, тенглик, адолатлилик, яширинлилик, эркинлик, ошкоралик ва масъуллик** каби еттита тушунчада ўз ифодасини топган¹;

бешинчидан, Конституциянинг ўзида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини белгилайдиган конституциявий нормаларни муҳофаза қилишнинг умумий механизми мустаҳкамлаб қўйилган. Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Жамиятда сиёсий-ҳуқуқий кадриятларнинг роли тобора ортиб бормоқда. Халқаро сиёсий глобаллашув демократик сайловларни ўтказиш бўйича давлатларнинг ижтимоий шерикчилиги – халқаро кузатув институтини янада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Сиёсий ислохотлар жараёнида фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллик даражаси жиддий тус олмоқда. Шу боис, жамият аъзоларининг хулқ-атвори давлат бошқарувида улар иштирокини янада кенгайтириш имконини бермоқда.

Конституцияда белгиланган нормалар сайловга оид алоҳида қонунлар қабул қилиш билан тўла мазмунга эга бўлмоқда. Таъкидлаш жоизки, сайлов тизимида конституциявий ёндашув сайлов ҳуқуқининг асосий принципларини таъминлайди ва алоҳида қабул қилинган сайловга оид қонунларга асос бўлиб хизмат қилади.²

¹ Сайловларни кузатиш бўйича Инсон ҳуқуқлари ва демократик институтлар бўйича бюроси қўлланмаси. Тўртинчи нашр, 1999, апрель. Варшава. 10–11-бетлар.

² Бу ҳақда батафсил қаранг: Старостина И.А. Избирательная система и формирование институтов представительной демократии в Российской Федерации (конституционно-правовое исследование): автореф. диссертации к.ю.н. Челябинск, 2009.

1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»¹ги ҳамда 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»²ги, 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»³ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари мамлакатда давлат ҳокимияти органларини сайлаш бўйича муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни ўзида ақс эттирди. Ушбу қонунлар мамлакат фуқароларининг ўз сайлов ҳуқуқларини рўёбга чиқаришлари учун зарур ҳуқуқий кафолатлар яратди.

1994 йил 5 майда мамлакатимиз МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»⁴ги Қонунни қабул қилди. Бундай Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистонда фуқароларнинг муҳим сиёсий ҳуқуқи бўлмиш сайлов ҳуқуқини кафолатлашга нақадар катта эътибор қаратилганлигининг далилидир.

1994 йилда янги демократик сайлов тизими асосида Ўзбекистон тарихида илк бор парламент – Олий Мажлис ҳамда вакиллик ҳокимиятининг маҳаллий органларига кўппартиявийлик, муқобиллик асосида эркин сайловлар

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунлари. – Т.: «Ўзбекистон», 2005. 45–73-бетлар.

² Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунлари. – Т.: «Ўзбекистон», 2005. 74–108-бетлар.

³ Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунлари. – Т.: «Ўзбекистон», 2005. 109–140-бетлар.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунлари / Фуқаролик жамияти шаклланиши мониторинг қилиш мустақил институти. – Т.: «Адолат», 2013. 5–10-бетлар.

ўтказилди. Натижада давлат ҳокимиятининг Олий Мажлис, яъни қонун чиқарувчи ҳокимият тармоғи вужудга келтирилди.

Бир сўз билан айтганда, сайловларнинг умумэтироф этилган халқаро нормалар ва принципларга жавоб берадиган самарали қонунчилик базаси шаклланди. Бундан ташқари, сайлов тизимини такомиллаштириш жараёнида 1998 йил 30 апрелда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонун¹ қабул қилиниб, 1998 йил 29 августда ўзининг бутун фаолияти билан сайлов тизимининг демократик принципларини амалга оширишга қўмаклашишга, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятини таъминлашга даъват этилган мустақил орган ташкил топди².

Марказий сайлов комиссияси бошчилигида ҳокимият органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни таъминловчи сайлов комиссияларининг яхлит, мустақил тизими ташкил топди.

Сайлов қонунчилигига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари таъминлайди.

Сайлов комиссиялари сайловларни ўтказишга масъул бўлган ва уларни ташкилий-моддий жиҳатдан таъминлайдиган давлат органлари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, шунингдек, давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўладиган сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш вазифаси айнан уларга юклатилган. Ушбу тизимда сайловлар жараёнида аҳоли билан бевосита ишловчи ва овоз беришни ташкил этувчи орган сифатида участка сайлов комиссияси муҳим ўрин тўтиб, у ўзига хос асосий бўғин ҳисобланади. Участка сайлов комиссияси ўзига хос ҳуқуқий мақомга эгадир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1998, №5–6, 95-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1998, №9, 176-модда.

Фуқаролар, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши учун замон талабларига жавоб берадиган ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шароитлар, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ амалга оширилишининг мустаҳкам кафолатлари яратилди. Мамлакатимизда ўтказиладиган сайловлар жараёнлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва тамойилларига тўлиқ мослигини таъминлашга эришилди.

Ушбу даврда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш жараёнлари билан ҳамоҳанг равишда сайлов тўғрисидаги қонунчилик ҳам такомиллашиб борди. Бу, авваламбор, жамиятимизда рўй бераётган муҳим демократик ўзгаришларнинг натижаси бўлса, иккинчи томондан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги демократик ислохотларнинг боришига бевосита таъсир кўрсатди. Хусусан, ушбу даврда сайлов қонунчилигига жорий этилган энг муҳим янгиликлар қаторида маҳаллий Кенгашларнинг Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқининг бекор қилинганлиги, сиёсий партиялар депутатликка номзодлар кўрсатганида хотин-қизлар учун 30 фоизли квота белгиланганлиги, шунингдек, сайлов олди ташвиқотини олиб боришда номзодларга тенг шароитлар яратиш каби кўплаб масалаларнинг ҳал этилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

2001 йил ва ундан кейинги йилларни ўз ичига олган **иккинчи босқич** – фаол демократик янгилинишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври сиёсий ҳаётимизни, хусусан, сайлов тизими ва қонунчилигини янада эркинлаштириш ва демократлаштиришда ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди.

2002 йилнинг 27 январида ўтказилган умумхалқ референдумида икки палатали парламент тизимига ўтиш юзасидан қарор қабул қилинганидан кейин ўтган давр мобайнида икки палатали Олий Мажлис сайловининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратувчи қонунлар қабул қилинди.

2004 йил 3 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар ки-

ритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги, 2008 йил 25 декабрдаги «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, 2011 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига тузатиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида**»ги Қонунининг тегишли моддалари янги таҳрирда қабул қилинди, айрим моддаларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Чунончи, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳукуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширадilar.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти беш йил муддатга сайланади.

Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳукуқига эга.

Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкый аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳукуқини бирон-бир тарзда **бевосита ёки билвосита чеклаш** тақиқланади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суднинг ҳукмига мувофиқ озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашмайдилар.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш бўйича сайловолди кампаниясида ва овоз беришда **ихтиёрий** равишда қатнашадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича овоз бериш яширин бўлиб, фуқаролар томонидан **бевосита** амалга оширилади. Фуқароларнинг хоҳиш-ирода билдиришлари устидан назорат этилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси **битта овозга эга**.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари таъминлайди.

Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тузилади.

Округ сайлов комиссияларининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тавсиясига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

Участка сайлов комиссияларининг аъзолари халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари тавсиясига биноан тегишли округ сайлов комиссиялари томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошкора амалга оширадилар.

Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар

хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Кузатувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;

– сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш;

– овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг баённомасини тузишда ҳозир бўлиш;

– сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш;

– агар сайлов участкасида ушбу Қонуннинг бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори комиссияга маълум қилиш.

Кузатувчиларга қуйидагилар ман этилади:

– сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда овоз бериш кабинасида бўлиш;

– сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материалли ёки адабиёти тарқатиш;

– сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга бюллетенга белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

– участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан, сайлов қутиларини муҳрлашда, уларни очишда, овозларни санаб чиқишда аралаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва ўзга тарзда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари, жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари ўз маблағларини сайлов ўтказиш учун ихтиёрий равишда беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

Сайловни ўтказишнинг ушбу Қонунда назарда тутилган қоидалари ҳамда тартибини бузувчи шахслар, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ва Президентликка сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини эркин равишда амалга оширишига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилиқ кўрсатувчи шахслар, шунингдек, сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, овоз бериш яширинлигини бузган ёки ушбу Қонун бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, давлат ва жамоат органларининг мансабдор шахслари қонунда белгиланган йўсинда жавобгар бўладилар. Номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган сохта маълумотларни эълон қилган ёки бошқа йўсинда тарқатган, сайлов комиссиялари аъзоларига нисбатан ҳақоратомуз муносабатга йўл қўйган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

Овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида, шунингдек, овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (эълон қилиш), шунингдек, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан, Интернет тармоғига)га жойлаштириш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддати тугашидан камида уч ой олдин Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни 18 ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган вақтда муайян сайлов участкаси ҳудудида доимий истиқомат қилган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритиладилар. Сайловчи бошқа сайлов участкаларида сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин эмас.

Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-сайловчиларнинг, шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлар жойлашган туманларда яшовчи оила аъзолари ва бошқа сайловчиларнинг рўйхати ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этадиган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида яшовчи ҳарбий хизматчилар истиқомат жойидаги сайловчиларнинг рўйхатига умумий асосларда киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторий ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхати мазкур муассасаларнинг раҳбарлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида тузилади.

Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловдан ўн беш кун олдин, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторий ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа доимий ишлайдиган даволаш муасса-

саларида, олис ва бориш қийин бўлган жойларда тузилган сайлов участкаларида эса сайловдан икки кун олдин ҳамманинг танишиб чиқиши учун тақдим этилади. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан қаерда ва қачон танишиш мумкинлиги ҳақида сайловчиларга хабар беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадирлар. Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг рўйхатини «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 24-2-моддасида белгиланган ҳужжатлар асосида рўйхатга олади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинган шахсга, ушбу Қонунга мувофиқ рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тугалланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинганидан кейин беш кунлик муддат ичида Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабарни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг фамилиясини, исми ва отасининг исмини, туғилган йилини, партияга мансублигини, эгаллаб турган лавозимини, иш ва яшаш жойини, шунингдек, уни номзод этиб кўрсатган сиёсий партияни кўрсатган ҳолда эълон қилади.

Сайловолди ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда **тенг ҳуқуқ берилади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловчилар билан йиғилишларда ҳамда сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамда жой ҳақида сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилади.

Ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилиши тақиқланади. Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинганларнинг ҳаммаси **тенг ҳуқуқларга эга**.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод рўйхатга олинганидан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида давлат йўловчилар транспортининг барча турлари (шаҳар йўловчилар транспортидан, таксидан ва транспорт бошқа турларининг буюртма йўналишларидан ташқари)да текинга юриш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод 15 нафарга қадар ишончли вакилларга эга бўлишга ҳақлидир. Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам берадилар, уни Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайлаш учун тарғибот олиб борадилар. Давлат ва жамоат ташкилотлари сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатини ҳимоя қиладилар.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддати тугашидан камида уч ой олдин Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишининг белгиланганлиги сиёсий партияларнинг, кенг жамоатчиликнинг сайловга яхши тайёргарлик кўришлари учун имкон яратади.

Таъкидлаш жоизки, сайловларни ўтказишда илгари тўпланган ижобий тажрибага суяниш, илғор жаҳон тажрибасини ўрганиш ва демократия тамойиллари устуворлигига эришиш олдимизда турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бинобарин, жамиятимизни ривожлантириш борасида замон олдимизга қўяётган вазифаларни бажаришда шубҳасиз, сайлов тизимини янада такомиллаштириш ўта муҳим ва долзарб аҳамият касб этди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» давлат ва жамият қурилишининг қатор йўналишларида демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини белгилаб берар экан, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш масалаларининг алоҳида йўналиш сифатида ифодаланиши мамлакатимизда демократиянинг бош талаби ҳамда фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлмиш

эркин сайловларга берилаётган эътибор, уларнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши сифатида намоён бўлади¹.

Чунончи, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича қабул қилинган қатор қонунчилик ташаббуслари ривожланишимизнинг ҳозирги босқичида демократиянинг муҳим белгиси бўлган сайлов жараёнларини янада либераллаштириш, унинг очиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин ва мустақил билдиришлари учун мавжуд механизмлари янада такомиллаштиришга хизмат қиладиган ислохотлар бўлиши табиий.

Шуни алоҳида қайд этиш ўринлики, 2014 йил 16 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, Асосий Қонунимизнинг 117-моддасига қўшимчалар киритилиб, Марказий сайлов комиссиясининг мақоми конституциявий тарзда мустақамланди. Яъни, Конституциянинг 117-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошқоралик ва адолатлиликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилади.

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: «Ўзбекистон». 35–40-бетлар; Абдусаломов М.Э. Совершенство избирательного законодательства: состояние и перспективы // «Фуқаролик жамияти» журналі, –Т.: 2012. – №2. 56–59-бетлар; Нурматов Н. Advancement of electoral legislation // «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналі, – Т.: 2012. – №3. 59–61-бетлар; Насриддинов Ф. Сайлов тизимини такомиллаштириш истиқболлари / «Ҳозирги замон давлат ва ҳуқуқ назариясининг долзарб муаммолари». / Илмий-назарий конференция материаллари. – Т.: 2012. – №2. 252–254-бетлар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги ҳамда референдум тўғрисидаги қонунларига ва бошқа қонунларга амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан сайланади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда сайлов қонунчилигининг ривожланиши амалга оширилаётган демократик ислохотлар, хусусан, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва такомиллаштириш, шунингдек, давлат бошқаруви, маъмурий-сиёсий, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар билан ҳамоҳанг тарзда амалга оширилмоқда. Яна шуни ишонч билан айтиш мумкинки, ҳозирги кунда Ўзбекистонда умумэтироф этилган, халқаро андозалар ва илғор чет эл тажрибасига асосланган сайловга оид ҳуқуқий база яратилган бўлиб, у амалиётда кўппартиявийлик асосида эркин сиёсий рақобат шароитида демократик сайловлар ўтказишга хизмат қилади.

Халқаро сайлов стандартларининг Ўзбекистон сайлов қонунчилигига имплементация қилиниши

Халқаро ҳуқуқнинг асосий мажбурий кучи, халқаро ҳамжамиятнинг муайян қоидаларини ўрнатишда давлатларнинг ўз хоҳишига кўра рози бўлиши билан изоҳланади. Бундай келишув ва белгиланган аниқ нормаларга риоя этишнинг муҳимлиги халқаро ҳамжамият иштирокчилари ўртасидаги турли алоқаларни тартибга солиш эҳтиёжини туғдирувчи ижтимоий ривожланишнинг объектив қонуниятлари билан белгиланади. Айнан унинг кучи халқаро ҳужжатлар қоидаларини давлатларнинг ўз хоҳиши билан ижро этишига таянади.

Яъни, нафақат мажбурий, шунингдек, тавсиявий характердаги халқаро ҳужжатлар ҳам катта аҳамиятга эга. Икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар ва халқаро ҳуқуқий одатларда ўзаро мажбуриятлар белгилаб қўйилади.

Миллий сайлов қонунчилиги нормаларига нисбатан халқаро сайлов стандартлари устунлик касб этади. Булар Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган ҳужжатлар ва халқаро шартномаларга мувофиқ конвенцион нормалар ва принципларни ақс эттирган стандартларни қамраб олади.

Халқаро сайлов стандартлари ўз моҳиятига кўра, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга ошириши билан боғлиқ сайловларни ташкиллаштириш ва ўтказишга тааллуқли бўлган халқаро ҳуқуқнинг тамойилларидан иборат.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда сайлов қонунчилиги замонавий халқаро сайлов стандартлари билан узвий боғланган бўлиб, ўзаро мутаносиб равишда такомиллашиб бормоқда.

Демократия ҳам бозор иқтисодиёти каби рақобатсиз, яъни сиёсий плюрализм тизимсиз мавжуд бўла олмайди. Сиёсий плюрализм демократик ҳуқуқий давлатнинг элементларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида таъкидланганидек, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади¹.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2012. 4–5-бетлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Сайлов тизими» деб номланувчи бобида ҳақиқий сиёсий плюрализмни кафолатловчи бир қанча асосий тамойиллар эълон қилинди. Бундай норма кўп давлатлар конституцияларида мавжуд эмас. Ушбу конституциявий норма Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Эркин ва адолатли сайловларнинг мезонлари тўғрисидаги декларация ва ЕХҲТнинг Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген Кенгашининг ҳужжати каби халқаро ҳужжатларга асосланган ҳолда қабул қилинган.

Мамлакатимизда сайлов қонунчилигини шакллантириш сиёсий вазиятни таҳлил қилиш билан биргаликда олиб борилмоқда. Сайловларни демократлаштириш, чинакам демократик сайлов тизимини яратиб берувчи янги институтлар жорий қилиш масаласи қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунларига биноан демократик сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилиши мустақамлаб қўйилган.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт фуқаролар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш ҳамда фуқароларнинг хоҳиш-иродасини билдиришни таъминловчи демократик сайловларда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларига эга эканликларини эътироф этади.

Қуйида дунёда умумэътироф этилган ва халқаро ҳужжатларда мустақамланган принципларга алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтамиз.

1. Умумий сайлов ҳуқуқи принципи маълум ёшга етган, тўла муомалага лаёқатли, ҳар бир фуқаронинг ҳар қандай умумдавлат сайловида сайлаш ҳуқуқига эга эканлигини англатади. Бунда овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқи саводхонлик ёки бошқа таълим билан боғлиқ мезонга боғлиқ бўлмайди.

Умумий сайлов ҳуқуқи мамлакатда истиқомат қилувчиларнинг барчаси сайловларда иштирок этиши мумкинлигини англатмайди. Сайлов ҳуқуқига, одатда, мамлакатда истиқомат қилувчи чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар эга бўлмайди. Аксарият давлатларда суднинг ҳукмига мувофиқ озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар вақтинчалик сайлов ҳуқуқларини амалга ошира олмайди.

Умумий сайлов ҳуқуқи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасида, Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги декларациянинг 6-моддасида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25-моддасида, шунингдек, «Даврий ва ҳаққоний сайловлар принципи самарадорлигини ошириш» резолюциясида ва бошқа қатор халқаро ҳужжатларнинг нормаларида ўз аксини топган¹.

Мазкур халқаро нормаларда эътироф этилган умумий сайлов ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77, 99, 117-моддаларида, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4, 6, 8-моддаларида, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1, 2, 20-моддаларида, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1, 2, 32-моддаларида, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1, 2, 29, 38-моддаларида ўз аксини топганлигини кўришимиз мумкин.

2. Тенг сайлов ҳуқуқи қонун асосида сайловчиларнинг сайлов натижаларига таъсир қилишида тенг имкониятлар яра-

¹ Умумэтироф этилган халқаро сайлов стандартлари ва уларнинг Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунларига имплементация қилинганлиги тўғрисидаги барча маълумотлар иловадаги жадвалда акс эттирилган.

тилиши ҳамда қонун-қоидаларига мувофиқ сайланишда бир хил имкониятлар яратилганлигидир. Сайлов ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда тенг ҳисобланади:

– ҳар бир сайловчи бир хил овозга эга бўлиши, одатда, сайловчилар бир овозга эга бўлишади, бироқ икки ёки ундан ортиқ бўлиши ҳам мумкин (мисол учун, Германияда қуйи палатанинг сайловларида бир овозни партия рўйхати учун, иккинчисини эса аниқ сайлов округининг номзоди учун беришади);

– мамлакатда ягона сайлов корпуси бўлиши;

– депутат тенг сонли истиқомат қилувчилар ёки сайловчилар томонидан сайланиши (кўпгина давлатларда сайлов округлари аҳолисининг сони, истиқомат қилувчилар ёки сайловчилар сонига қараб ҳисобланади), кўп мандатли округларда мандат ва сайловчиларнинг пропорциясига риоя қилиш лозим, ягона умумдавлат (миллий) округида ягона квота амал қилиши керак;

– қонунда номзодларни қўйишга бўлган бир хил талабларнинг ўрнатилиши, уларнинг сайловолди ташвиқоти олиб бориши ҳамда сайлов натижаларини аниқлаш.

Тенг сайлов ҳуқуқи принципи ҳар бир фуқаро сайловда тенг асосларда иштирок этишга ҳақлилигини ҳамда ҳар бир овоз бир хил кучга эга эканлигини англатади.

Тенг сайлов ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18, 46, 117-моддаларида, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3, 4, 6, 8, 18, 19-моддаларида, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1–3-моддаларида, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1, 3, 25-моддаларида ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1, 3, 20, 29, 38-моддаларида тўлиқ ақс этган.

3. Тўғридан–тўғри сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг давлат органларидаги ўз вакиллари ва алоҳида мансабдор шахслар (мисол учун, Президентни)ни бевосита сайлашга қаратилган ҳуқуқи ҳисобланади.

Тўғридан–тўғри сайлов ҳуқуқи принципи давлат раҳбарининг, шунингдек, давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бевосита фуқаролар томонидан сайланишини, бошқача айтганда, фуқароларнинг овоз беришда бевосита, ҳеч қандай қўшимча воситаларсиз иштирок этишини англатади.

Мазкур норма Европа Кенгашининг 2002 йил 18–19 октябрда Венецияда бўлиб ўтган 52-сессиясидаги «Сайлов ўтказишда тавсия этиладиган нормалар йиғиндиси. Раҳбарлик қилувчи принциплар ва тушунтириш маърузаси», Кишинёвда 2002 йил 7 октябрда қабул қилинган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида иштирок этувчи давлатларда демократик сайловлар, сайлов ҳуқуқи ва эркинликлари стандартлари тўғрисидаги конвенция ва бошқа халқаро ҳужжатларнинг нормаларида ўз аксини топган.

Тўғридан–тўғри сайлов ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1, 4-моддалари, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1, 4-моддаларида ўз ифодасини топган.

4. Сайлов ўтказиш мажбурийлиги ва даврийлиги сайланадиган лавозимлар муайян муддатни назарда тутишини, бу эса, ўз навбатида, сайлов ўтказиш борасида даврийлик ва мажбурийлик мавжудлигини англатади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 2005 йил 27 октябрда қабул қилинган Сайловни халқаро кузатиш прин-

ципларининг декларациясида мустаҳкамлаб қўйилганидек, фуқароларнинг даврий чинакам демократик сайлов мобайнида сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари халқаро эътироф этилган инсон ҳуқуқларидир ва улар қатор асосий ҳуқуқ ва эркинликлар амалга оширилишини талаб этади¹.

Сайлов ўтказиш мажбурийлиги ва даврийлиги принципи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, қатор резолюцияларида, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген Кенгашининг ҳужжатида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида иштирок этувчи давлатларда демократик сайловлар, сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари стандартлари тўғрисидаги Кишинёв конвенциясида ва бошқа халқаро ҳужжатларда ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов ўтказилиши мажбурий ҳисобланади. Ҳар беш йилда Президент ва парламент сайловлари ўтказилиши сайлов қонунчилигида ўз аксини топган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддасида, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1, 52-моддаларида ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1, 5-моддаларида сайлов ўтказишнинг мажбурийлиги ва даврийлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

5. Ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, яширин овоз бериш принципи ҳар бир овоз берувчига танлаш ва овоз бериш эркинлиги берилишини, шунингдек, овоз берувчи кимга овоз берганлиги ёки кимга овоз бермоқчи эканлиги ошкор қилинмаслигини англатади. Бунда бирон-бир овоз берувчи на судда, на бошқа тарзда у кимга овоз берганлиги ёки овоз

¹ Декларация принципов международного наблюдения за выборами. Нью-Йорк, 27 октября 2005 г./ www.un.org

бермоқчи эканлигини эълон қилишига мажбур қилинмаслиги ҳамда ҳеч ким овоз берувчилардан улар қандай овоз берганлиги ёки овоз бермоқчи эканлиги ҳақидаги маълумотларни тўғридан-тўғри ёки билвосита олишга ҳаракат қилмаслиги лозим.

Яширин овоз беришда сайловчи бошқаларга маълум қилмасдан сайлов бюллетенини тўлдириш орқали (Ўзбекистон), сайлов ускунасидан фойдаланиш билан (АҚШ, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар), сайловчининг электрон карточкаси ёрдамида (Бразилия ва Қозоғистонда) ўз овозини бериши мумкин. Яширин овоз беришни бузиш қонунга мувофиқ таъқиб қилинади. Ҳеч ким сайловчи қандай овоз берганлиги тўғрисидаги маълумотни талаб қилишга ҳақли эмас.

Ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, яширин овоз бериш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги декларация, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, қатор резолюцияларда, Парламентлараро Кенгаш Иттифоқи, Европа Кенгаши, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг ҳужжатларида ўз аксини топган.

Мазкур қоидалар Ўзбекистон сайлов қонунчилигига тўлиқ имплементация қилинганлигини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1, 3-моддалари, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 37-моддалари ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1, 34, 38-моддаларида кўришимиз мумкин.

6. Сайлов натижаларининг халқ иродасига мувофиқлиги принципига биноан сайлов бевосита халқ иродасининг ифодаси эканлигини англатиб, бу ўз аксини натижаларда топиши лозим. Бунда овозларни санаб чиқиш ҳаққоний бўлиши ва ҳеч қандай сохталаштиришга йўл қўйилмаслиги керак.

ЕХҲТнинг Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген Кенгашининг ҳужжати 7- бандида белгиланган талабларга биноан иштирокчи давлатларнинг қонунлари ва юритаётган сиёсати сиёсий кампанияларнинг эркинлик ва ҳаққонийлик руҳида ўтишини таъминлаши, партиялар ва номзодларга ўз қарашлари ва баҳолашларини эркин ифода этишга, шунингдек, сайловчиларнинг улар билан суҳбат қуришлари, уларга овоз беришларига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай маъмурий ҳаракатлар, зўравонлик ёки қўрқитишлар бўлмаслигини таъминлаш шартлиги кўрсатилган.

Сайлов ўтказиш натижалари ва овозлар натижаларини аниқлаш бўйича сайлов жараёнини қонунга асосланган ҳолда олиб бориш билан боғлиқ норма белгиланганлиги сайловчилар ҳуқуқлари кафолатларига хизмат қилади. Сайлов тугагач овоз бериш натижаларини аниқлаш бошланиб, бу жараён натижалар аниқлангунга қадар давом этади. Бу ҳақда участка сайлов комиссиясининг барча аъзолари, кузатувчилар ва сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари хабардор этилиши шарт. Бундай ошкоралик сайлов натижаларини санаб чиқишда сохта маълумотлар киритилмаслигининг олдини олишга қаратилган.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига биноан участка сайлов комиссияси сайлов участкасида ҳар бир номзод бўйича берилган овозларни алоҳида-алоҳида санаб чиқади.

Овоз бериш тугагач, сайлов қутиларини очишдан олдин участка комиссиясининг барча аъзолари ҳозирлигида сайлов варақалари солинган ёпиқ конвертлар қутиларга ташланади.

Сайлов қутилари участка сайлов комиссияси томонидан комиссия раиси овоз бериш тугаганлигини эълон қилганидан

кейин комиссиянинг барча аъзолари ҳозирлигида очилади. Овоз бериш тугагунига қадар сайлов кутиларини очиш тақиқланади. Фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенлари сайлов кутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади.

Участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг асосий рўйхати ва мазкур рўйхат иловаси бўйича участкадаги сайловчиларнинг умумий сонини, шунингдек, бюллетень олган сайловчиларнинг сонини аниқлайди. Сайлов кутиларида бўлган бюллетенлар ва сайлов варақалари асосида комиссия овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг умумий сонини; ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар, варақалар сонини аниқлайди. Сайловчилар томонидан бюллетенларга ва варақаларга қўшимча тарзда ёзилган фуқароларнинг фамилиялари бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

Белгиланмаган намунадаги сайлов бюллетенлари ва варақалари, шунингдек, овоз бериш вақтида биттадан ортиқ квадратга белги-крестик (плюс) қўйилган ёки битта ҳам квадратга бундай белги қўйилмаган бюллетенлар ва варақалар ҳақиқий эмас деб топилади. Сайлов бюллетенининг, варақасининг ҳақиқийлигига шубҳа туғилган тақдирда масала участка сайлов комиссияси томонидан овозга қўйиш орқали ҳал этилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссияси мажлисида кўриб чиқилади ва баённомада акс эттирилади.

Баённома комиссия раиси, комиссия раисининг ўринбосари, комиссия котиби ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда тегишли округ сайлов комиссиясига юборилади.

7. Давлатнинг сиёсий бетарафлиги принципи сайловлар мустақил сайлов органи томонидан халқаро стандартларга ва амалдаги сайлов қонунчилигига мувофиқ ўтказилиши ҳамда сайлов жараёнига бошқа давлат органларининг аралашishi-

га, ҳар қандай маъмурий ресурслардан фойдаланишга йўл қўйилмаслигини аниқлатади.

Давлатнинг сиёсий бетарафлиги принципи Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида иштирок этувчи давлатларда демократик сайловлар, сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари стандартлари тўғрисидаги конвенция, Парламентлараро Иттифок Кенгашининг 154-сессиясида қабул қилинган Эркин ва адолатли сайловларнинг мезонлари тўғрисидаги декларация каби халқаро ҳужжатларда ўз аксини топган.

Ушбу принцип Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12, 60-моддаларида, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4, 13, 181-моддаларида, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9–16-моддаларида ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7–9-моддаларида мустаҳкамланган.

Шу билан бирга, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Мазкур ҳужжатда фақат Марказий сайлов комиссиясигина сайлов кампаниясини ўтказишда асосий ташкилотчи ҳисобланиши, ҳеч кимнинг, авваламбор, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг сайлов жараёнига аралашшига йўл қўйилмаслиги, сайлов кампанияси жараёнига аралашшиш, қонун ҳужжатлари талабларини четлаб ўтиш, бузиш мақсадида ҳар қандай уринишлар, аниқланган ҳомийлик ҳолатларига нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий чоралар кўрилиши ва айбдорлар жазоланиши каби нормалар мустаҳкамланиб қўйилган.

8. Эркин рақобат принципи мазмунига кўра, бутун сайлов кампанияси сайлов субъектлари, номзодларнинг эркин, тенг рақобати тамойилларига таянади, бунда сайлов тўғрисидаги қонунларнинг талабларига риоя қилинади, сай-

ловолди ташвикоти барча шаклларида, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида, сайловчилар билан учрашув ва мажлислардан ва бошқа шаклларида фойдаланилади, шунингдек, сайлов кампанияси иштирокчиларига ҳар қандай таъсир кўрсатиш ҳамда қандайдир имтиёз ва преференциялар бериш тақиқланади.

Эркин рақобат принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60, 117-моддаси, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20, 27-27⁴-моддалари ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25–25⁴-моддаларида ифодаланган.

Эркин рақобат принципини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари демократик асосларда кўшпартиявийлик тизимида фаолият юритишининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди.

Сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва давлат ҳокимияти вакиллик органларига номзодларини қўйиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимизнинг сайлов қонунчилигини ривожлантиришда муҳим воқеа бўлди. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши билан ЕХХТнинг Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген Кенгашининг ҳужжати 7.6-банди талаблари мамлакатимиз қонунчилигига сингдирилишига эришилди. Унга кўра, иштирокчи-давлатлар алоҳида шахслар ёки гуруҳларнинг тўлиқ эркинлик шароитида сиёсий партиялар ва сиёсий ташкилотлар тузишларини ҳурмат қиладилар, ушбу сиёсий партиялар ва ташкилотларга бошқарув органлари ва қонун олди-

да тенглик асосида бир-бирлари билан рақобат қилишларини қонун билан кафолатлайдилар.

9. Фуқароларнинг шахсан ўзлари учун давлат мансабларига эришиш ҳуқуқи принципига кўра, ҳар бир фуқаро давлат ҳокимияти органларига сайланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг шахсан ўзлари учун давлат мансабларига эришиш ҳуқуқи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси, Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги декларацияси, Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенцияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакти, Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги декларацияси каби халқаро ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 32, 117-моддаларида ҳамда «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1, 2, 4-моддаларида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб кўйилган.

10. Овозларнинг ҳаққоний ва тўғри санаб чиқиши принципининг мазмунига асосан сайловда овозларни санаб чиқиш сайлов тўғрисидаги қонунларнинг талабларига, шунингдек, ҳаққонийлик, холислик тамойилларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши лозим. Ҳар қандай кўринишдаги субъективлик, сохталаштиришга йўл кўйилмайди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддаси тўртинчи қисмига кўра, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа

давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга.

11. Сайлов жараёнларининг очиқлиги ва ошкоралиги, миллий ва халқаро кузатувчиларнинг иштирок этиши принципи бутун сайлов кампаниясининг шаффофлиги ва транспарентлигини таъминлаш, жамоатчиликни ўз вақтида унинг босқичлари ҳақида хабардор қилиш, оммавий ахборот воситаларининг сайлов боришини эркин ёритиши, сайловда сиёсий партиялар ваколатли вакилларининг, маҳаллий ва халқаро кузатувчиларнинг иштирок этишини англатади.

Сайлов жараёнини кузатувчиларнинг ҳуқуқий ҳолати ва ваколатларини белгилаб берувчи ҳужжат БМТнинг 2005 йил 27 октябрдаги Сайловларни халқаро кузатиш принципларининг декларацияси¹ ҳисобланади. Декларациянинг 6-бандига мувофиқ, сайловларни халқаро кузатиш сайлов ўтказилаётган мамлакат аҳолиси манфаатларида ва халқаро ҳамжамият манфаатларида амалга оширилади. Кузатиш жараёнининг ўзига йўналтирилган бўлиб, овоз беришнинг қайсидир муайян натижаларига тегишли эмас, у сайлов натижаларига фақат транспарентлик шароитида ва белгиланган муддатларда сайлов тўғри ва аниқ эълон қилиниши билан боғлиқ даражада тегишлидир. Кузатувни амалга оширишда ва ёки сайлов жараёни хусусияти тўғрисида хулосалар чиқаришда аниқлик ва холисликка риоя этишга ҳалақит берадиган қандайдир сиёсий, иқтисодий ёки бошқа манфаатлари бўлган бирон-бир кишини сайловларни кузатиш бўйича халқаро миссия таркибига киритиш мумкин эмас. Ушбу талабларга узоқ муддатли кузатувни амалга оширадиган кузатувчилар томонидан узоқ муддатли даврларда, шунингдек, сайловни ўтказиш куни кузатиш қисқароқ даврлар мобайнида самарали риоя этилиши шарт, бунда ушбу даврларнинг ҳар бири кузатувчилар олдига мустақил ва холисона таҳлил ўтказиш бўйича аниқ вазифаларни кўяди. Сайловларни

¹ Қаранг: Декларация принципов международного наблюдения за выборами. Нью-Йорк, 27 октября 2005 г. // www.un.org.

кузатиш бўйича халқаро миссиялар сайловларни кузатаётган ҳукумат органларидан молиявий ёки моддий ёрдам олмаслик-лари шарт, чунки бу манфаатларнинг жиддий низосига олиб келиши ва миссиялар ҳулосалари ҳолислигига ишончга путур етказиши мумкин.

Европа халқаро сайлов стандартлари ҳақида ҳам таъкид-лаб ўтиш лозим. ЕХХТ доирасида 1990 йил 21 ноябрда қабул қилинган Янги Европа учун Париж Хартияси¹ (Ўзбекистон Республикаси томонидан 1993 йил 27 ноябрда имзоланган), уч босқичда (биринчи босқич 1989 йил Парижда, иккинчи босқич 1990 йил Копенгагенда ва учинчи босқич 1991 йил Москвада) ўтказилган Инсонийлик мезонлари бўйича конференциялар муҳим аҳамият касб этади.

2002 йил 7 октябрда Кишинёвда қабул қилинган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида иштирок этувчи давлатларда демократик сайловлар, сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари стан-дартлари тўғрисидаги конвенция² доирасида сайловларни кузатиш ва қисман кузатишнинг ўтказилишига кўмаклашиш вазифаси юклатилган махсус орган ташкил қилиш назарда ту-тилган.

Миллий сайлов қонунчилигимиз Парламентлараро Итти-фоқ Кенгашининг 154-сессиясида Парижда 1994 йил 26 мартда қабул қилинган Эркин ва адолатли сайловларнинг мезонлари тўғрисидаги декларация, ЕХХТ/ДИИХБнинг Сай-ловларни кузатиш бўйича қўлланмаси (Варшава, 1999 йил апрель), МДҲда иштирок этувчи давлатлар Парламент Ассамб-леясининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги халқаро кузатув-чилари учун сайлов ва референдумларни кузатиш бўйича тав-сиялари (Санкт-Петербург, 2004 йил 4 декабрь) каби халқаро

¹ Янги Европа учун Париж Хартияси // Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: «Адолат», 2004. 380–384-бетлар

² Конвенция о стандартах демократических выборов, избирательных прав и свобод в государствах–участниках Содружества Независимых Государств // Центральная избирательная комиссия Российской Федерации. – М., 2004. – С. 166.

хужжатлар нормаларига тўлиқ мувофиқ келиши билан ҳам аҳамиятлидир.

12. Сайланган номзодларнинг лавозимига киришиши ва мансабида ваколатлари тугатилгунга қадар қолиши кафолатлари принципи қонунчиликка асосан сайланган шахслар ўз вазифаларини бажаришга вақтида киришиши ҳамда шу лавозимда ваколат муддати тугагунга қадар қолиши учун давлат томонидан барча зарур шарт-шароитлар яратилиши шартлигини назарда тутди.

Миллий сайлов қонунчилигимизда сайланганларнинг лавозимига киришиши ва мансабида ваколатлари тугатилгунга қадар қолиши кафолатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 15, 32, 43, 92-моддаларида, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасида, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 39-моддасида, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 48-моддасида, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 45, 46-моддаларида ўз аксини топган. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 39-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари расмий тарзда эълон қилинган кундан эътиборан кечи билан икки ой ичида Олий Мажлис йиғилишида қасамёд қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришади.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз ваколатларини янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимга киришгунга қадар бажаради.

13. Қоидабузарликлар устидан шикоят қилиш имконияти ва фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик принципи сайлов субъектларига, номзод-

ларга сайловчиларга сайлов органи ва сайловни бошқарадиган бошқа органлар томонидан қабул қилинган қарорлар устидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиш имкониятини таъминлашни тақозо этади.

Парламентлараро Иттифоқ Кенгашининг 154-сессиясида Парижда 1994 йил 26 мартда қабул қилинган Эркин ва адолатли сайловларнинг мезонлари тўғрисидаги декларацияда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи, номзоднинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, сайлов кампанияси вақтида партиялар, шунингдек, давлатнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мустаҳкамланган. Мазкур Декларацияда кўрсатилишича, давлатнинг мажбуриятлари сифатида мунтазам равишда ҳаққоний, эркин ва адолатли сайловларни ўтказиш мақсадида сайлов ҳуқуқларини кафолатловчи қонунларни қабул қилиш ва бошқа чоралар кўриш, шу жумладан, сайлов жараёнига, сайлов органларига тегишли бўлган шикоятларни тезда ва самарали кўриб чиқиш каби нормалар мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси ўзининг сайлов ҳуқуқлари бузилганлиги юзасидан судга арз қилиш ҳуқуқига эга. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига биноан сайлов ўтказишнинг ушбу Қонунда назарда тутилган қоидалари ҳамда тартибини бузувчи шахслар, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ва Президентликка сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини эркин равишда амалга оширишига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатувчи шахслар, шунингдек, сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, овоз бериш яширинлигини бузган ёки ушбу Қонун бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, давлат ва жамоат органларининг мансабдор шахслари қонунда белгиланган йўсинда жавобгар бўладилар. Номзодларнинг шаъни ва кадр-қимматига доғ туширадиган сохта маълумотларни эълон қилган ёки бошқа йўсинда тарқатган,

сайлов комиссиялари аъзоларига нисбатан ҳақоратомуз муносабатга йўл қўйган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

Овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида, шунингдек, овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (эълон қилиш), шунингдек, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқ (шу жумладан, Интернет тармоғига)ларига жойлаштириш тақиқланади.

Марказий сайлов комиссияси сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида сайлов қонунчилиги, фуқаролар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олади. Агар Марказий сайлов комиссияси сайлов қонунчилиги жиноий жавобгарликка тортишга лойиқ даражада бузилган деб ҳисобласа, у бундай ишларни прокуратура органларига ўтказди. Прокуратура органлари материалларни ўрганиб, жиноят иши кўзғатиб, ишни судга ўтказди. Суд жиноят иши кўзғатишга асос йўқ деб топса, ишни бекор қилади. Суд сайлов қонунчилиги бузилганлиги ҳақидаги ишни кўриб, айбдорни аниқласа, айбдорга нисбатан жиноят қонунларида белгиланган жазолардан бирини тайинлайди¹.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 146-моддасига кўра, сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гуруҳлар ёки сайлов ёхуд референдум комиссиялари аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш, сайлов ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2013. 84–85-бетлар.

Мазкур Кодекснинг 147-моддасига биноан фуқароларнинг депутат ёки Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ёки сайланиш, сайловолди тарғиботи олиб бориш ҳуқуқларини, депутатликка ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод шахснинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишларига, шунингдек, фуқароларнинг референдумда эркин иштирок этишларига зўрлик ишлатиш, кўрқитиш, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан тўсқинлик қилиш уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг «Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик» деб номланган боби қоидаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралashiш; Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик; номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш, сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш, номзодлар сиёсий партиялар тўғрисидаги ёлғон маълумотларни тарқатиш, сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш, сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш, жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш айбдор шахсларни тегишли тарздаги маъмурий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Бундай қоидалар ЕХХТда иштирок этувчи давлатларнинг демократик сайловлар ўтказиш бўйича амалдаги мажбуриятларига, сайлов ўтказишда тавсия этиладиган ва раҳбарлик

қилувчи принципларга, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида иштирок этувчи давлатларнинг демократик сайловлар, сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари стандартлари тўғрисидаги конвенцияга, Парламентлараро Иттифоқнинг Эркин ва адолатли сайловларнинг мезонлари тўғрисидаги декларацияси нормаларига тўлиқ мос келади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида халқаро сайлов стандартларини, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини эътироф этади, шунингдек, сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатларини кучайтириш мақсадида сайловларни демократик тарзда, эркин, очик ва ошкора ўтказиш учун барча чораларни кўради.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
«Халқаро сайлов стандартлари» тушунчаси, моҳияти, турлари ва манбалари	9
Универсал ва минтақавий сайлов стандартлари	13
Ўзбекистонда халқаро сайлов стандартларига мос сайлов тизимининг ривожланиши ва унинг конституциявий-ҳуқуқий асослари	23
Халқаро сайлов стандартларининг Ўзбекистон сайлов қонунчилигига имплементация қилиниши	42

Сайловчи кутубхонаси

М. АБДУСАЛОМОВ

**ХАЛҚАРО
САЙЛОВ СТАНДАРТЛАРИ
ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ
ҚОНУНЧИЛИГИ**

Мухаррирлар: *А. Сувонов, И. Аҳмедов*
Рассом-дизайнер *Ш. Ходжаев*
Бадий муҳаррир *Ҳ. Қутлуқов*
Техник муҳаррир *Л. Хиждова*
Мусахҳих *С. Салохутдинова*
Кичик муҳаррир *Д. Холматова*
Компьютерда тайёрловчи *Ф. Ботирова*

Наشريёт лицензияси АИ № 158, 14.08.09.
Босишга 2015 йил 14 февралда рухсат этилди. Бичими 60x90^{1/16}.
Офсет қоғози. «Times» гарнитурасида офсет усулида босилди.
Шартли босма табағи 4,0. Нашр табағи 3,79.
Адади 10000 нусха. Буюртма № 15-98.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-84-20
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10

*e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz*

Ў 32 **Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси.** М.Абдусаломов. Халқаро сайлов стандартлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови қонунчилиги./– Тошкент: «O‘zbekiston», 2015. – 64 бет.

ISBN 978-9943-28-270-4

УЎК: 342.573

КБК 67.400.5(5Ў)